



Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqqan boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 30 sentabr, Juma

18 (324) son

Partiya Markaziy Kengashida

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Мамлакатимизда фаолият кўрса- таётган 5та партия ўз имкониятлари ва олдига қўйган мақсадларига кўра устувор йўналишлари ва тегишли дастурларига эгадир. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам халқнинг энг азиз туй-ғулари — келажикга умидларини ифода этган ҳолда фаолият юритиб бормоқда. Жойларда аҳоли ўртасида турли маърифий — маънавий тадбир-лар изчил олиб борилаётганлиги бу-нинг яққол далилидир.

Шу йил 16 сентябрда партияннинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти И.Каримовнинг 2005 йил 19 август кўни Олий Мажлис Сенати мажлисида сўзлаган нутқлари юза-сидан келиб чиқадиган вазифалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон рес-публикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлиари раислари, Марказий кенгаш аъзолари, партия котиблари, Олий Мажлис Қонунчи-лик палатаси депутатлари ҳамда фракция аъзолари иштирок эттишти.

Йиғилиш кун тартибига кўра Марказий кенгаш раиси Х.Дўстму-хамедов Президентимиз И.Каримов нутқидан келиб чиқадиган вазифалар борасида сўзлади.

Нотiq мамлакатимизда олиб бо-риладиган ислохотлар кўламини ва қам-рови кўпчиликни мамун тоғибгани ва ақинча, аёғу рағимлар таътиб-сидан бўлган қалби чиркин ҳолга ке-либ қолганлари ёки адашган ва айни пайтда қоқайдиққа берилганларни

эса ислохотлар самарасидан кўра та-наззули, ўз ички дунёси андозасига кўра вайрона-ю, талофатларга мойиллиги жунбушта келгандан аф-сусланиб сўз юрители. Бунга тўрт ой аввал бўлиб ўтган Андижондаги маш-ум фожида безарволик, лоқайдлик каби рухий парокандлик ҳам ўз таъ-сирини ўтказганини табиийдир.

Нотiq ўз сўзида Олий Мажлис Се-нати йиғилишида муҳокама қилинган

яна бир мавзу — «Хонобод» шаҳарча-сида вақтинча кўним топган АҚШнинг қечланган ҳарбий контингенти ва Қашқадарё вилоятига тегишли ушбу ҳууддаги ноҳуш манзараларга ҳам эътиборни қаратар экан, қашқадарё-лик сенаторлар тақдирларига кўши-либ, «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзолари ҳам бу борада из-чил ва аниқ нуқтаи-назар билан фа-олият юритмоқлари тўғрисидаги фикрларини баён этди.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси ўриносари Хайринисо Мирзажонова жойларда маърифий — маънавий маса-алаларга кенг эътибор бериш лозим-лигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Сўзга чиққан нотиклар Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши аъзоси, ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси Шарифа Салимова, Олий Маж-лис Қонунчилик палатаси депутати Раёно Зарипова, Хоразм вилояти ке-нгаши раиси Баҳодир Бобоҷонов, Фар-ғона вилояти кенгаши раиси Бахтиёр Муъминов, Қорақалпоғистон Респуб-ликаси партия кенгаши раиси Зинат-дин Есенбаев, Марказий кенгаш аъзо-лари Лола Саидова, Муҳижон Қир-ғизбоевлар томонидан оғохликка даъ-ват, партия сафини кенгайтириш бо-расида қизгин мунозараги фикрлар айтиди.

Партиянинг нашри «Миллий тик-ланиш» газетасининг 2006 йил обуна-сини ташкил этиш тўғрисида газе-танинг бош муҳаррири Иброҳим Рағу-вор тахририй тақлифларини йиғилиш иштирокчиларига ҳавола этди. Газе-танинг таъсирчанлиги ва оммавийли-гини оширишда ёритилаётган мақола ва бошқа материаллар сифатида ҳам алоҳида эътибор бериш борасидаги тақлифлар ўртага ташланди.

Йиғилишда турли масалалар: партия ҳаёти, унинг аъзолари фаолиятига ва ижтимоий — иқтисодий вазифалар ечи-мига доир тадбирлар тўғрисида ҳам фикрлашиб олинди.

Насиба ОЧИЛОВА,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши бош муҳтассиси.

МАОШИМНИ ҚАЧОН БЕРАСИЗ, ХҲЖАЙИН?

— Кўшни, қаёқлардан келяписиз, хаф-а кўринасиз?
— Э, куриб кетсин, ишхонага ойли-гимни олиш учун боргандим. Яна оло-мадим. Уч ойдан бери шу сарсонгар-чилик. Ишлаб-ишлаб вақтида ойлик олоамасанг алам қилар экан. Мактаб бошланғичча олиб қоларман, деб ўй-ловдим. Болаларга кийим-бош, дарс-ликлар олиш зарур. Наслож, энди анов бозорни кўншимиздан 50—60 минг сўм қарз олиб турарман — да...
Ана шунақа гаплар. Тўғри — да, ма-ошта кўз тикиб яшаётган оилалар учун уни ўз вақтида олоамаса ана муаммо-ю, мана муаммо!

Хабарингиз бор, 2002 йил 19 мартда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора — тадбирлар тўғри-сида»ги қарори қабул қилинган. Бу қарор Бухоро вилоятида қандай бажа-рилайтир?

Юқоридики келтирилган ҳужжат қарори ижросини таъминлаш ва ушбу йўналишда назоратни қувватлаш мақ-садида вилоят прокуратураси ҳамда бошқа тегишли идо-ралар ҳамкорлиқда амага оширилади лозим бўлган тадбирлар режаси ишлаб чи-қилган. Вилоятнинг шаҳар ва туман ҳуудларидики корхо-наларда мавजूд бўлган де-биторлик қарзлари ўз вақ-тида ундирилмагани, таёр мақсуотлар узоқ муддат со-тилмағи оморларда қолиб кетаётгани, албатта, уларнинг молия-вий ахволини оғирлаштиради. Оқибатда корхоналарда ишлаётган оила, ҳатто минглаб одамлар маошларини вақтида оломай сарсон бўладилар. Уларнинг бир ташвишига икки ташвиш қўшилади.

Иил бошида вилоятда иш ҳақи тў-ловлари бўйича аянчали ахвол юзюга келди. Вилоят прокуратураси органла-ри томонидан жойлардаги тижорат бан-клари, солиқ ва бошқа идоралар би-лан олиб борилган тадбирлар натижа-сида шу йилнинг сентябрь ойигагача иш ҳақидан қарадорликни 2 миллиард 748 миллион сўмга қамайтиришга эришилди.

Шу йилнинг 1 сентябрь ҳолатида ви-лоятдаги корхона, ташкилот ва муас-сасаларнинг иш ҳақидан қарздорлиги 237 миллион сўмни ташкил этгани ҳам таъсилди. Ахир бу миллионлар миқ-дорини айтиш осон холюс.

Айрим мансабдор ва маъсул шахс-лар томонидан ишчи — хизматчиларга иш ҳақларининг тўланиши ва бу тўғрисидаги статистик ҳисоботларнинг тақдим қилинишида бир қатор қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилаётганини аниқ-лонилади. Айрим тижорат банкларининг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслар бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақа, стипендия ва уларга тенглаш-тирилган бошқа харажатлар учун пул маблағлари беришни асосиз равишда кеңиктириляшига йўл қўйган. Пешку туманидаги 10 — сон ўрта умумтаълим мактаби ишчи ва хизматчиларининг жорий йилнинг июн ойи иш ҳақлари учун 1 миллион 268 минг сўм, ташкилот учун 10 миллион 654 минг сўм, 2 ёшгача болалар оналарга бериладиган нафақа учун 344 минг сўм ўз вақтида молиялаштирилган бўлса — да, акцио-нерлик тижорат «Пахта банкнинг Ян-ғибозор филиали томонидан ушбу ха-ражатлар тўлови учун пул маблағлари бериш асосиз кеңиктирилган. Проку-ратура аралашуви билан ушбу тўловлар амага оширилади, қарздорлик барта-вақтда тўлиқ молиялаштирилган бўл-са — да, Ташқи иқтисодий фаолият ми-ллий банкнинг туман филиали 155 ми-лион 930 минг сўм пул маблағларини беришни асосиз кеңиктирган. Банк филиали бошқарувчиси О.Жумаев ишда йўл қўйган камчилиги учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Жондор туманидаги «Кўчма меха-низациялашган колонна»да 10 миллион 634 минг, «Ўзбекистон» ширкат хўжа-лигида 22 миллион 20 минг, Т.Салимов номи ширкат хўжалигида 18 миллион 884 минг сўмлик иш ҳақлари ўз вақ-тида тўланмаган. Туман прокуратураси

томонидан ушбу иш ҳақларини унди-риш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Қорақўл туманларо судида даъво аризалари қўзғатилди. Юқори-даги ташкилот ва хўжалиқларнинг ман-сабдорлари эса маъмурий жавобгар-ликка тортилди.


Ғижувонда ҳам иш ҳақини вақтида оломай сарсон юрганлар кўп. Маса-лан, «Деҳқон бозори» хиссадорлик жа-миғидаги 64 нафар ишчи — хизматчи-ларнинг 5 миллион 777 минг сўм, «Ғиж-дудон Барақа — нон» масъулияти че-кланган жамиятининг 61 нафар ишчи-хизматчиси 923 минг сўмлик маошла-рини ўз вақтида олоамасан. Туман про-куратураси иш ҳақларини тўлаш бўйича барча таъсир чораларини қўрди, фу-қаролик ишлари бўйича Ғижувон ту-манларо судида даъво аризаси ки-ритилди. Масъулиятсиз мансабдорлар эса тегишлича жазоланди. Шунингдек, тумандаги 5 — сон кўчма механизация-лашган колонна, «Сувқоова» ишлаб чи-қариш корхонаси, «Хўжалиқларо масъулияти курилиш материаллари» масъулияти чекланган жамиятида ҳам ишчи — хизматчиларга иш ҳақлари вақтида тўланмаган-лиги холлари аниқланди.

Олот тумани Машина-трактор парки давлат акцио-нерлик жамиятида 2005 йил-нинг 1 август ҳолатида ишчи — хизматчиларнинг 10 миллион 604 минг сўмлик, туман қишлоқ ва сув хўжа-лиги бошқармасида 1 мил-лион 670 минг сўмлик ойлик маошлари ўз вақтида берилмаган. Иш ҳақларини ундириш тўғрисида прокуратура томо-нидан фуқаролик ишлари бўйича судда даъво аризаси киритилди. МТДП ДАЖ раиси Ш.Аҳадов, қишлоқ ва сув хўжа-лиги бошқармаси бошлиғи Н.Арабовлар эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Когон шаҳридаги «Соҳибкор деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамиятда ишловчи 28 нафар ишчи хизматчилар жорий йилнинг май — июн — июл ойла-ри учун 2 миллион 370 минг сўм ма-ошларини ўз вақтида олоамган. Про-куратура томонидан ушбу иш ҳақла-рини ундириш ҳақида фуқаролик иш-лари бўйича Когон туманларо судида даъво аризаси киритилди.

Прокуратура органларига фуқаро-ларнинг ўзлари ҳам нажот излаб хў-жалик юридувчи субъектлардан улар-нинг пенсия, нафақа ва иш ҳақлари пулларини ундириб бериш учун муво-жаат қилинаётган. Шофиркон тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида иш-лаш фуқаро Н.Ортиқов хўжалиқдан 485 минг 800 сўмлик, Қорақўл тумани «Ортиқ Рузи» фермер хўжалигида иш-лаван фуқаролар Р.Отанишоева, Х.Очи-лова ва Г.Жумаевлар 214 минг сўмлик, Вобkent тумани кўчма механизация-лашган колоннада ишлаган Қ.Хамроев 540 минг сўмлик, Олот тумани «Бухо-ро» ширкат хўжалигида ишлаган Б.Ше-ров оиласи 1 миллион 150 минг сўмлик иш ҳақини оломай сарсон бўлаётган-нидан аралашиниб, прокуратура идо-раларига мурожаат қилинган. Проку-ратура органлари томонидан фуқаро-лар мурожаатлари атрофича ўргани-либ, иш ҳақларини ундиришни қону-ний чоралари қўрилди. Айбдорлар қонуний жазого тортилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида ҳуку-мат қарорининг ижроси юзасидан ўт-казилган текширишлар юзасидан қонун бузилиш холлари бартараф этиш тўғ-рисида 97 та тақдирнома, 17та протест киритилди, 148 нафар шахс қонунбу-зилишга йўл қўймади қонун оғохлан-тирилди. 250 нафар шахс маъмурий, 4 нафар итисоий жавобгарликка тор-тилади. Қўло қонун бузилиш холлари юзасидан 2та жиноят иши қўзғатилди. Прокуратура органлари томонидан 2 миллион 12 миллион 800 минг сўмлик пенсия, нафақа ва иш ҳақи пулларини ундириш тўғрисида тегишли судларга 245та аризалар киритилди. Прокура-тура органлари ҳодимларининг аралу-шуви ва сабй — ҳаракатлари билан ўз вақтида берилмаган 520 миллион сўм-дан ортиқ пенсия, нафақа ва иш ҳақи пули тўланиши таъминланди.



Сайд ШОДИЕВ,
Бухоро вилояти прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.
Дилмурад ҚИРГИЗБОВ,
«Миллий тикланиш» махсус мухбири.

ИСТИҚБОЛ УЧУН

Жамият равнақи, унинг истиқболида зиёлиларнинг алоҳида ўрни бор. Ҳамма замоналарда ҳам зиёлилар миллат таъини, орзу ва ис-такларининг ифодачиси бўл-ган. Ҳамма даврда ҳам улар миллат хурлиги, озодлиги, бахту совати учун қайғур-ганлар, ҳатто шу эзгу мақсад йўлида жонларини фидо қилишган. Бугунги муста-қиллик йилларида ҳам зиё-лилар элим, юртим, деб ёниб яшамоқдалар. Хайрли ва эзгу ташкаллашда фаол иштирок этмоқдалар.

Бугун мамлакат сиёсий майдонида партиядошла-рининг ҳам ўз ўрни бор. Утган йилнинг сўнги ойида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда сиёсий партияимиз ҳам фаол иштирок этди. Энг муносиб ном-зодалар Қонунчилик палатаси депутатларига сайлан-дилар. Улар бугун Қонунчилик палатасида қўлаб сайловчилари номидан фаоллик билан иш юритмоқ-далар.

ЎзМТДПнинг Қашқадарё вилоят кенгаши ҳам ви-лоятдаги партия фаоллари билан ишлашда халқ ман-фаатларидан келиб чиққан ҳолда аниқ режа асосида иш юритишга катта аҳамият беради. Партиямиз аъзо-лари бугунги кунда ёшлар ўртасида миллий мафкура, миллий ғояни кеңгроқ тарғиб қилишга, уларни турли хил диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қоимасликлари учун соғолам муҳитда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Маҳаллаларда, мактаб-ларда, олий ўқув юртиларида «Ёшлар ва истиқбол», «Оғохлик — давр талаби», «Ҳақиқат оғох, сезгир, ҳушёр бўлайлик» каби бир қанча мавзуларда давра суҳбат-лари, учрашувлар, кечлар ташкил қилинмоқда.

Аъзоларимиз вилоятдаги иқтисодий ислохотларда, ижтимоий — сиёсий, маданий — маърифий ҳаётда фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқдалар. Партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда мам-лакатимизда мустақилликни муҳтақамлаш, илм — фан, маданиятни юксалтириш, миллий қадриятларимизни камол топтириш, ёшларни маънавий етук инсонлар

бўлиб улғайишига ҳисса қўиши йўлида бир қатор ишлар амага оширилоқда.

Кейинги йилларда воҳида бир қатор бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги туб ислохотлар ҳам ўзининг илжайиб самараларини бера бошлади. Шунингдек, вилоятимизда аҳоли турмуш тарзини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқ-да. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Айниқса, замонавий коллежалар, умумтаълим мак-таблари бинолари, болалар спорт мажмуалари кури-лишига жиддий аҳамият берилмоқда. Вилоятнинг мар-кази — Қарши шаҳри бугун худди куриляш майдо-нини эслатади. Шаҳарнинг 2700 йиллиги олдидан катта ҳажмда қуриляш ва ободончилик ишлари давом эттирилмоқда. Айни кунларда улуг қадамжолар, та-рихий обидалар қайта таъмирланиб, сўлим маданият мақсатларига айлантирилмоқда. Бундай эзгу ишларга партиямиз аъзолари ҳам муносиб улушларини қўшаётгани бизни қувонтиради.

Мамлакатимизда амага оширилаётган барча ислохотлар инсон манфаати, инсон-нинг бахту совати учундир. Республика-мизда мустақиллик йилларида инсон омилни бул масала қилич қўйилди. Умуминсоний қадриятлар янада қарор топти. Яқиндагида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бе-кор қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган-лиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Бу Фар-мон барча юрдошларимизни бениҳоя қувонтириб юборди. Негаки, баъзи бир кишилар узоқ муддат да-вомида қамоқда азият чекиб, гуноҳи йўқлиги учун оқланади, айрим соҳа ҳодимларининг эътиборсиз-лиги, лоқайдлиги сабабли беғуноҳ одамларнинг тақ-дири қуняқун бўлиши ҳам ҳеч гап эмас. Бугунги кунда партиямизнинг шаҳар ва туман кенгашлари ушбу Фармонни жойларда кеңгроқ тарғиб қилиш бо-расида Марказий Кенгашимиз тасдиқлаган режалар асосида иш юритмоқдалар. Жойларда ёшларни жалб этган ҳолда Фармоннинг мазмун — моҳиятини батаф-сил тушунтириш борасида давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. Ана шунай учрашувларда халқ билан нақадар яқинлигимиз сезилиди, ўша суҳбатлар ба-ҳона одамлар орасига кириб борамиз, ўларнинг дардларини тинглаймиз, муаммоларига жавоб топиш йўллари ахтарамиз. Шунинг учун ҳам бундай му-лоқотларни тез-тез ўтказиб туриш режасини ишлаб чиққанмиз.

Бир сўз билан айтганда, мақсадимиз битта — мус-тақил мамлакатимизда тинчлик, осойишталикни таъ-минлаш, мустақилликни янада муҳтақамлаш, рес-публикамизнинг ҳар томонлама юксалишига муносиб ҳисса қўиши. Зеро, Ўзбекистон ҳаммамиз учун олтин бешиқдир.

Э.ХОДЖАЕВ,
ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси.




Тахририятимиз ижодкорлари тез-тез вилоятларда меҳнаткашлар ҳузуринда бўлишиб, «Миллий тикланиш» кўнларини ўтказишга ёрдам беришади.

1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кун

ҚАЛБИ ҚУЁШЛАР

- Қанча қора кўзларга
- Им нурич соғингиз,
- Қалб кўзини уйғотиб,
- Қулфи қилич очдингиз.
- Устозларим Моҳира,
- Соғатлар Ҳаҷима,
- Ношлар-ю, Муаззам —
- Меҳрибон муаллима.
- Сиз ўқитган болалар
- Мисоли кенг осмонни
- Тўлдирган юлдузларгай
- Ёршайғабур жаҳонни.
- Илм, нурдан баҳра ол,—
- Ёнингизга қорлайсиз,
- Юлдузларга раҳнамо,
- Қуёш қаби порлайсиз,
- Қалби қуёш устозлар.

Мукамбар
АЗИМОВА.



Олим НОРҚУЛОВ чизган сурат

ҚУЁШ ТИҒИДА ТОВАЛАНГАН ЮРАКЛАР ЖАМ БҮЛИБ, ДАЛА ШИЙПОНЛАРИДА МЕҲНАТ ҚОВУРИДАН ТИН ОЛИБ, БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА ГАЗЕТА-ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНГА НИМА ЕТСИН!

«Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлдингизми?
«Миллий тикланиш» Сизга яхшилик келтиришини биласизми?

2006 йил ОБУНАСИ

«Миллий тикланиш» газетасига «Ўзбекистон почтаси», «Матбуот тар-қатувчи» бўлимлари, «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят, шаҳар, туман кенгашлари орқали обуна бўлиш мумкин.

«МТ» обунамиз индекси: 158

ЎзМТДП вилоят ва туман кенгашлари, партия фаоллари ва хайрихоҳлари, муштарийларимиз диққатига!

«Миллий тикланиш» газетасига 2006 йил учун обуна уюштириш-да қатнашиб туман кенгашлари ва фаоллари, хайрихоҳлари, муш-тарийлари йиллик обуна миқдорини 50 данадан оширс, вилоят кенгашлари эса 200 данадан оширс ташкил қилган жаъми обунаси учун ҳар дона газетата 750 сўмдан мукофот пули берилади.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши «Миллий тикланиш» газетасига жой-ларда обуна уюштириш, унинг мазмундорлиги ва муқдарижасини бойитишга катта ҳисса қўшган партиянинг вилоят кенгашла-рини йил якунида алоҳида қимматли совгалар билан тақдирлайди.

ГАЗЕТАМИЗ САҲАРАДА

ЖОЙЛАРДА «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» КУНЛАРИ

ҚИЗИЛТЕПАННИНГ ОЛТИН КУЗИ

«Миллий тикла...» газетаси кунлари доирасида Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида учрашувлар бўлиб ўтди. УЗМТДП Марказий Кенгаши аъзолари, «Миллий тикланиш» газетасининг бош муҳаррири Иброҳим Фафуров, Ўзбекистон Хотин-қизлар журнали «Саодат» ва унинг яловаси «Гулчеҳралар» газетасининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева Қизилтепа туманидаги бир қанча ширкат ҳамда фермер хўжаликларида, пахта йиғим-терими ажидаги бепое далаларида, шийпонларда буюк ғайрат кўрсатиб ишлаётган деҳқонлар, теримчилар ҳузурда бўдилар.

аъзоси Раънохон Валиева бошқараётган «Валиобод» фермер хўжалигида ўнаб тажрибали деҳқонлар, ёшлар билан чўлнинг дала шийпонларида бўлган мулоқотлар ўз тафти, ҳарорати, мазмундорлиги билан эсда қолди. Бу йил Ўртачўл ўз қуadratини тўла кўрсатиб, «Валиобод» фермер хўжалиги истиқлол байрами кунлариёқ йиллик режасини бажариб, бугунгача режа уч юз фоиздан ортиқ удаланди. «Қизилтепа тонги» газетасининг муҳаррири, таниқли заҳматқаш журналист Раҳим Мақсудов, Ойдин Ҳожиева Раънохоннинг таклифи билан пахтазорга кириб, ҳар бир туп гўзада ўртача 24 тадан бўлиқ кўсак санадилар. Шовуллаб турган пахта даласида уларнинг бўйлари гўза денгизда кўринмай кетди.

«Ҳали очилмаган етти-саккиз кўк кўсак бор, улар ҳам ҳосил завлорига яна залвор қўшади», деди даладан чиқаётган Раҳим Мақсудов. Опа эса ҳамма улуг деҳқонлар каби



«Миллий тикланиш» сафига янги аъзолар қабул қилинмоқда. Меҳнат фахрийлари: Мухтор Очилов, Иди Изғоров, Пулат Муродов.

табассум қилибгина қўйди. Бутун Навоий вилоятида бўлган каби пахта Қизилтепа далаларида кўрпа бўлиб ётибди. Бу заманзорни кўрмагунча ишонмайсиз! Ва бунинг завқи-наҳомлари, шукуҳлари ҳам тамомила бошқача! Худди ҳаёлотта, фантазияга ўхшайди бу ҳосил! Даромадлар ҳам шунга яраша! Биргина «Пахтабанк»нинг ўзи теримнинг биринчи беш кунлигида Қизилтепа теримчиларига 85 миллион 950 миң сўм тарқатди! Меҳнат сарҳисоби — олтин деб шуни айтсалар керак!

Деҳқон ҳадемай йиллик режаларнинг катта маррасига чиқади. Қандини урсин, омилқор, моҳир инсонлар!

Ванғозидоги Ибн Сино номидаги мактабни бундан роппа-росса қирқ йил илгари битирган кишилар билан дала шийпонларида учрашув муволафасиз қирқ йиллик яшаш, кураш, яратилиши завқларига тўлиб-тошди. Бунда ажиб муал-

лимлар, шоирлар, муҳандислар, ўнаб, юзлаб касбларнинг моҳир bilimдонлари

сўзлайдилар. Донишманд, пири комил ҳаёт тилга киритгандай бўлади. Улар ҳаётнинг маъносини билим чўққиларини эгаллашда, ҳар қандай меҳнатнинг оқиллик ва илм-фанга теран йўғрилишида кўрадилар. Уларнинг поёнига етмаган орзуларини янги авлод рўёбга чиқаради. Ванғозидоги ун ва ёғ ишлаб чиқарувчи янги корхона билан танишганимизда орзулар эди ҳавойи эмас, энг илгор, қудратли техника ва технологиялар асосига қурилаётганлигини кўрдик. Барча саноят корхоналари, ишлаб чиқариш шундай маҳаллий том-ашё заминига мустаҳкам тоғир отса, Ўзбекистон ҳам илгор аграр, ҳам саноят мамлакатига айланади!

«Миллий тикланиш» газетаси кунлари доирасидаги учрашувлар, мулоқотлар халқ ичда бораётган тағ-заминли тикланиш жараёнига Қизилтепа миқёсида шундай ҳамнафас бўлди. Ўз муҳбиримиз



Ўртачўлдаги «Валиобод» фермер хўжалигининг чевар теримчилари.



Хўжаликнинг илгор оилавий пудратчиси, 40 йиллик тажрибага эга сувчи Бақо Эрдонов оилавий пудрат аъзолари билан.



Ванғозидоги заводи ишчилари Фулом Қонжаев, Комила Муродов, лаборатория мудири Учқун Расулов, завод раҳбари Саъдулла Муродовлар янги ускуналар ишини кузатмоқда.

ФАРЗАНДАЛАР ВА ФАРОВОНЛИКНИ СЕВГАН ЮРТИМ

Хоразмлик заршунослар бугунгача йиллик режанинг деярли 90 фоизи миқдорига пахта тайёрлашди. Кунлик ўсишда Хонқа, Янгитозор, Урганч туманлари пешқадамлик қилмоқда. Хонқа тумани пахтакорлари йиллик маррага яқинлашдилар.

Вилоят бўйича энг кўп пахта етиштираётган Хонқа тумани меҳнатқашларининг ғайрат ва шижоати таҳсинга лойиқ. Даладаги ҳосил асосан қўлда те-риллаётганига қарамай, улар давлатга кунига 4 фоиздан охириб пахта тоширишмоқда-лар. «Оқ олтин» терими қизилган кунлар вожа далаларининг чи-ройиға, хирмонларининг юк-саклигига таъриф йўқ.

Партияимиз аъзолари қадимий қадриятларимизга монанд ра-вишда Меҳржон кунларида пахтакорлар ҳузурда бўлиб сани-мий сўзбатлашдилар. «Соғлом авлод учун» жамғармаси билан биргаликда пахтакорларга дори-дармонлар улашдилар, бетоблар тиббий кўриқдан ўтказишди. Пахтакор аёлларининг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга интиддик.

ЭЛДА БИРИНЧИ

Шу кунларда Хонқа туманидаги Ал-Хоразмий номидаги хўжаликнинг пахта далаларида ўзгача кайфият, завқ-шавқ ҳукмонлагининг гувоҳи бўла-сиз. Чунки, улар йиғим-теримда биринчилиكنи қўлдан бермай келишяпти. Бугунгача юксалган хирмонлари режага нисбатан 105 фоиздан ортиб кетди. Шуниси қувонарлики, уларнинг бари аъло навга сотишди. Ҳали ҳосил мўл. Пахта йиғим-теримини тез-лаштириш ва барча куч-им-коналрини йиғим-теримга са-фарбар этиш ниятида туман пахта штаби ишлаб турибди. Унинг йиғилишини ҳар икки кунда туман ҳокими Шоназар Болтаев хўжаликларда ўтказди.

— Ал-Хоразмий номидаги хўжалик туманимиздаги энг кўп пахта тоширайдиган хўжаликлардан ҳисобланади, — дейди туман ҳокими, — Ютуқларимизнинг асосий гарови фермерликни кенг жорий этганимиздир. Бу усул ерининг ўз эгасини тошиб берди. Шунингдек, Хоразм тупроғига мос нави тошиб эканимиз ҳам муваффақиятларга етаклади.

Пахтанинг сифатли терилиши, техниканинг умумли ишлаши, ҳосилнинг ўз вақтида пахта пунктларига юборилиши Шоназар Болтаевнинг ҳар кунги юмушларидан бири. Терим агрегатларининг созлани, механизаторларнинг ишга шайлиги, ҳашарчиларга зарурий шароитларнинг ҳозирлиги — ҳамма ҳаммасига ўзи бошу қош.

ФЕРМЕР НАМУНАСИ

Фермерларни таъбир жоиз бўлса, қўшчанокқа қияслардим. Элимиз дастурхонига, кундан-кунга юксалаётган пахта хирмонига баракка киритаётганлар заҳматқаш, меҳнатқаш оиласи билан ишлаётган фермерлардир. Туманда мингдан ортиқ фермер хўжалиги бўлса, уларнинг 170 нафари «Амударё» қишлоғида фаолият кўрсатмоқда. Фермерлардан ҳосилни ўз вақтида қабул қилиб олиш ва умумий хирмонга келтириш намунаси йўлга қўйилган. Иложи борича қулай шароит яратилган. Фермер Ал-лаберган Салимов етакчилиги қилаётган «Аллаберган», Ғайрат Каримов раҳбарлигидаги «Отабек-9» фермер хўжаликлари эда биринчи бўлиб, шартнома режасини бажардилар. Ғолиб фермерлар яна эл хазинасига 2 тоннадан пахта ҳади этишга сўз беришди.

— Баъзан ўйга толаман, тур-гунлик йилларида одамларнинг меҳнатга иштиғи, ҳосил сама-радорлиги пасайиб кетганди. Терим декабргача давом этарди. Эндиликда меҳнатта муносабат ўзгарди. Бунинг боиси битта: фермерлик ва теримга ҳақ тўлашининг янги усулига ўтганидир. Яна бир томони бор, бирининг далага кириши, текшириб буйруқ бериши шарт эмас. Пахта қачалик тез йиғиб олинса, ўзига фойдалигини яқин били-шади, — дейди Ал-Хоразмий но-мидаги фермер хўжалиги раҳ-

бари Фарҳод Жуманиёзов. Хўжалик кўп тармоқли: бог-роғ-лари, полизи, ғаллазорлари, сиб-завот пайкаллари серҳосил. Бу муваффақият оқилона иш тутиб, фидокорона меҳнат қилаётган-лари самарасидир.

ГАВҲАР ҚАДРСИЗ БЎЛМАЙДИ

Сув, ҳаво, туңроқ, куёш — табиий тирмалик муҳити бўлса, тил, тарих, хотира, миллий қадриятлар, урф — одатлар руҳий тирмалик муҳитидир. Бировнинг дардини ҳис этиш, ташвиши — ю, оғирини енгиллатишга ҳаракат этиш, ҳашар халқимизнинг қадимий гўзал урф — одатидир. Халқимиз миллий қадриятимизнинг бир қисми бўлиш ҳашарни гавҳар янглиғ қарлайди.

Хўжаликда ҳашарчиларга барча шароитлар яратилган. Ётоқхоналари озода, иссиқ сув билан таъминланган. Биз борганда улар паловини эди олдига олишган экан. Ҳали ва иссиқ овақатни фермер хўжалиги раҳбарининг ўзи бераётган экан. Яратилган шароитлар эса ютуқларни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бир шёла чой устида партия фаолияти билан таништирдик. Хонобод аэродромини кўчириш борасида сенаторларнинг ташаббуси ва унинг мазмуни — моҳияти, Андижонда содир этилган муд-ҳиш терроризмнинг салбий оқибатлари ҳақида гапириб бердик. «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят филиали дирек-тори Саломат Эржонова истиқ-лол билан пайдо бўлган тиббий йўналишлар скрининг, перени-тал, репродуктив саломатлик марказлари ва янги оила қуриш олаидан ўтказиладиган тиббий кўриқнинг мақсад — моҳияти ёшларнинг, янги оилаларнинг муҳофазаси эканлиги ҳақида га-пирди. Партиянинг Хонқа туман кенгаши раиси Анагул Бекчанова партия сафидаги ёшлар ва хай-рихоҳлар қаноти ҳақида ҳикоя

қилди. Учрашувдан кейин кол-лежнинг қўлаб ёшлари партия аъзолари сафига ўтиш истагини билдиришди. Талабалар Урганчдаги «Мансура нур» бошланғич ташкилотига бириктириди. Уч-рашув охирида мушоира бўлиб, талабалар ўз истеъодларини намоян қилдилар.

МЕҲР НУРИ ИЛА МУНАВВАР

Донишманд халқимиз ҳаёт меҳр нури — ла мунаввар, дейи-шади.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг барча фаолияти меҳр нурига йўғрилган. Жамғарманинг вилоят бў-лими ва «Ал-Хоразмий» номидаги қишлоқ врачлик пункти раҳбари Исламбой Бобоқожов партияимизнинг сый — ҳаракатла-рига қўшишди. Биз билан бирга пахтакорлар, фермер, ҳашарчи-лар ҳолидан хабар олиб, йод етишмовчилиги ва камқонликнинг олдини олишга ёрдам берадиган хабдори тарқатишди. Кам таъ-минланган оилаларда бўлиб, уларнинг болаларига таркибида 20тадан ортиқ витамин турлари мавжуд бўлган дармондори ула-шишди. Саломат Эржонова до-рини қачон ва қандай ичиш қондаларини тушунтирди. Авто-амбуланс — минни поликлиника врачлари аҳолини тиббий кўриқ-дан ўтказди. Беморларга тегишли даволаш муассасаларига йўллашма берилди.

Шубҳасиз, бундай эътибор пахтакорларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади, деб ишонамиз. Чунки, у юрт тинч-лиги, эл саломатлиги, фарзандлар келажакини кўзлаб Меҳржон байрамда уюштирилган дареъдан томчи бўлиш гўзал, эъзозли анъанадир.

Раъно ЗАРИПОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати.

ФЕРМЕР

Ерни боқсанг, у ҳам сени бо-қади, деган нақлнинг нақадар ҳақиқатга дангаражлик фермер Нурмат ака Неъматов билан бўлган мулоқотда ишонч ҳосил қилдик. Ҳа, ер билан тиллаша олган кишигина яхши фермер бўла олади, қолганлари эса, ўт-кинчи шамол.

Фермер хўжалигининг «Омадбек» деб номланиши хайрли бўлди. Омад доимо уларга қулиб боқае-тир. Ташкил топганидан буён ғалла-чилик ва пах-тачилик бў-йича режалар ортиғи билан удаланаётир.

Бу йил ғалла жуда мўл бўлди. Ҳар гектардан 65 центнердан ҳосил олинди. Фермер хў-жалигининг ҳар бир аъзосига фаоллигига қараб 500дан 600 килограммгача бугдой мукофот тариқасида та-рқатилди. Етти гектар ғалланин-г ўздан бир миллион етти юз миң сўм соф фойда олинди.

«Омадбек» фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича йиллик режани уч иш кунда бажарди. Биринчи теримнинг ўздаёқ ҳар гектардан режадаги 30 урнига 42 центнердан ҳосил териб олинди. Ҳозир яна ҳар гектарда 10—12 центнерга яқин ҳосил далада. Бу ёғи хомчўт қилинса, гектардан 50 центнердан ортиб кетади.

— Камроқ ҳаражат қилиб кўпрок даромад олиш йўлларини қидирган фермер доға қолмай-ди, — дейди Нурмат ака. — Ма-

салан, ҳашаротларга қарши ку-рашнинг оилалик. Жуда кўпчилик қимматбахо элдокимикатлардан фойдаланишяптир. Биз эса узоқ йиллар деҳқон синовидан ўтган биологик усул ва олтингўртдан фойдаланишнинг фойдали деб би-ламыш. Ядохимикатлар билан ишлаб берилганда бир гектар майдонга 80—100 миң сўм, био-логик усул ва олтингўрт билан ишлов берилганда 9—10 миң сўм маблағ сарфланади. Ҳашаротларга қарши курашнинг бир неча бос-

қиқда олиб борилишини ҳи-тоб соба олсақ, юқоридаги сарф-ланадиган маблағ ҳам ортиб бораверади. Яна бир муҳим аг-ротехника тартиби бор. Ҳар гектар майдонга 140 килограм-мдан азот, 140 килограмдан кам бўлмаган миқдорда фос-фор солиш лозим. Қамида 6—7 марта культивация қилиш зар-кор. Агар бу миқдор озаяр экан, мўл ҳо-силадан умид қилмасан ҳам бўлади. Йил бўйи қилинган меҳнат қутил-ган самарани бермайди.

Нурмат ака ни тинглор эканмиз, уру-ғидан, ўғитидан уриб қолиб, уни ўғирликча со-тиб «боймоқ-чи» бўлган ай-рим қинғир одамлар кўз унтинизга кел-валао узини алдайди.

Фермер хўжалиги «Ишонч» ширкат хўжалиги худудинда жойлашган. Яқин келгусида хўжалик тўлиқ фермер хўжа-лигига айлантирилади. Бу эса «Омадбек» сингари фермерлар имкониятлари эшитини оцади.

Нурмат ака ихтиёридаги техника воситаларини қўлай-тириш пайида. Лизинг асосида Т—80 трактори олиш учун ке-ракли ҳужжатларни тайёрлаб тегишли идораларга топишди.

Фермер «Қўқондонмасу-лотлари» акциядорлик жамия-тидан бугдойнинг «Крошка» навали уруғлигини олади. Шу кунларда бугдой экилади.

Ҳайси касбининг эгаси бўл-масин, хоҳ у оддий ишчи, хоҳ у раҳбар, оиласида осойишта-лик бўлса, фарзандлари мў-мин — қобил чиқса, ўша одам бахтиёр, ўша одам омаддан. Нурмат ака ҳам шундай бах-тиёр оила бошлиғи. Тўрт на-фар фарзандининг барчаси ўқиймишди. Ота — онасининг дуоларини олиб, уларга қанот бўлиб хизмат қилишяптир.

Уринбой КЕНЖАЕВ

ТАРАҚҚИЁТ ВА ЁШЛАР

Муштақил Ўзбекистон — нимиз истиқбол — ёш авлод қандай маънавий фа...

ситетнинг биринчи проректори Шухрат Сирожидаи — нов кириш сўзи билан очиб...

УзМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси, Олий Мажлис депутати Раъно Зарипова сўзга чиқиб, йирилганлар...

«Янгиликда талабалар партия раисига саволлар билан мурожаат қилишди. Талабалардан Фотима Нуридинова, Хасан Сайфутдинов, Алшпер Рава...

Партия ҳаёти

сиёсий майдонда рақобат сезилмаётгани, партиянинг фаолияти сайловлар арафасида анча жонланиб, кейин сулғайиб кетгани...

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — ЭЛ БОЙЛИГИ

Ўтган ҳафта УзМТДП Тошкент вилояти Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда туман ва шаҳар кенгашларининг раислари иштирок этди.

— Жойларда бўлганимизда кенг аҳоли ўртасида, бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримовнинг 2005 йил 19 август куни Сенат кенгашидаги маърузасининг мазмун ва моҳиринини таҳлил этиб, тушунтиришимиз зарур.

Андижонда содир этилган воқеалар ҳусусида ўз фикрини баён этиб, ҳар доим оғоҳ бўлиш, ёшлар ўрталарида, маҳаллаларда ички ишлар ҳодимлари билан ҳам...

шаарафли касб эгалари, инсон руҳи ва имининг меъморлари бўлган устозлар билан учрашамиз, уларга ўзимизнинг энг аравоқли сўзларимизни айтамыз.

У НИМАДИР, ЖОНИНГ ОЛИБ КЕТАДИ?

Саломатлик

Маълумотларга кўра, қурай замин аҳолиси нифузи 6 миллиарддан ошиб кетган. Биз тараққиётни издан чиқарадиган, инсониятнинг умрига зомин бўладиган омиллар ҳақида гапирарканмиз, ҳозир қон тўкишлари, жаҳон урушларини кўпроқ қоралаймиз. Зеро, одамзод қиргинбаротлар изтиробларини асло унута олмайд.

кишини домига тортиди. Уларнинг 20 миллиондан ортиқроғи аянчи ўлим тоқди, афсус. Бу қандай дахшати, қолганлари ўз ўлимини кутиб ётибди, улар ёнига қўйиб берилган ажа тобора кўпайиб бормоқда.

рида маблар ажратган. 2005 йилда эса касаликни аниқлаш мақсадида ўтказилади — лан таҳлиллар, тахшик улозалари учун 10,5 миллиард доллар зарур бўлаётти.

шининг фойдаланиши касалик тарқалишининг асоси бўлиб қолаётди. Ҳеёвандлик ва жиноятчилик масалалари билан шуғулланувчи ҳалқор қўмита матлумотларига кўра дунё бўйича

аксинча авж олдириди. Бу ҳам минтақада касаликнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Покистонда кўнкор етиштириш қайта йўлга қўйилган. Афғонистоннинг ҳам, Покистоннинг ҳам

турмуш тарзидан юз ўтириб, паа — партия яшашни ихтиёр этувларга кўпайиб боради?! Тиркиликнинг, яшашнинг, бунёдкорликнинг саодатини тельбакака алаштириб, ҳуш — бехуш ўлимга таслим бўлаверингиз! Ўз жонига қасд қилмаётганларга жаножа буюриладиганининг сабабини, наҳотки изохлаш шарт бўлса!

даги замонвий лаборатория жиҳозлари келтирилди. «Глобал фонд» амалий ёрдам кўрсатмоқда. Соҳалар аратратегия дастур ижросини таъминлаш йўлида ҳамкорлик шаклланимизда. Қатор идоралар СПИДга қарши курашни фақат марказ эгалигининггина шунинг эътибори билан бундай даррада чалиниш аша ну ёшдаги аҳоли қатламнинг СПИДдан сақланиши тўғрисида етарли тушунчага эга эмаслигининг саломатидир.

сексуаллар, ўз жинсидагилар билан алоқа қилувчи бесоқлоблар, фоҳишалар ва уларнинг шерикаридан хушёр бўлиш кераклигини болаларимизга тушунтиришдан уринсиз уламиз. Жинсий муомала маданияти ҳақида буй етиб келаятган ёшларимизни ҳарбардор қилиш бурчимиз эканини унутамиз.



СПИД, сени таниб олмагичман! Доминта учраб, ўлимга мақум этилмасми унчун тавсифингни билишимиз!



Ўсарқулнинг сирри

Мен сизни тушунам, Қозоқбой. Хотиржам бўлинг. Қозоқбой уни қучоқлаб, юз — кўзидан ўтди. —Раҳмат, Ўсарбек. Мени туғри тушунганингиз учун миннатдорман.

Кўзқоғай сескани бош кўтариб, кирган кишига қаради. —Усар шайтон, сенмисан? —Ҳа, бесоқлоб. Уша ман —глайи шўр Усарқулман! —Бормисан, дўстим.

сотқин ким? Нима дейсан? Яна айтишдики, ўша сотқин жуда пухта ниқобланган чекит экан.

ЎСАРҚУЛНИНГ СИРРИ

—Бирга қўш ҳайдаймиз. Ҳосил ҳам, даромад ҳам ўртада бўлади. Ҳамма тент ва иноқ яшайди. Таслим бўлиб, қуролларингизни ташлаб, йиғилган.

Қозоқбой уни салимий қучоқлаб, юзларидан ўтди. —Итман, қўшпақман, кечир мени, Ўсарбек! —деди —кўз ёшларини артиб, —сени

Маматхон сергаланиб Қозоқбойга тикилиб қолди. —Иккинчи марта қўлга тушганимнинг сирини ҳам ўша одам —да! Тан бераман унга, Ўсарбек! Майли, қилмиш — қидирмиш. Нима эксанг, шуни ўрасан. Бу — гун дам олайлик. Маш —шоқлар хониш қилиб, раққослар ўйнасин. Сен ва мен эса ўтмишини унутиб, бир ҳордиқ чиқарайлик.

ҚУЁШ ПАРЧАСИ

Эҳтимол, бу шунчаки тасофидир, эҳтимол, Яратганининг ўзи суйган бандаларига уларнинг ўли-мидан сўнг кўрсатадиган илк иноятидир. Қандайли-гидан қатъий назар, эл-улус сўзига шак келтириб бўлмайдиган, халқ бир нарсани сезмас-билмас-беқордан-бекор гапир-майди...

Онам камтар-камсу-қум, ҳалимдай юмшоқ аёл эди. Умри бўйи одамларга яхшилик қилиб, фақат яхшилик тилаб яшаганди. Ҳеч қачон бировнинг дилини оғритмаганди, бировга оғирлиги ҳам тушмаганди. Шунданми, ўзи орзулага-нидек, омонатини беозор-гина тошпирди. Лоақал бир кун-бир соатгина бўлсин, оғ-воҳ чекиб, кўрпа-тушак қилиб ётмади. Қўша-қўша фарзандлари-ю, келин-куёвлари, этак-этак неваралари бўла туриб, бирортасига зо-риқмади. Яна денг, авжи қиш палласига тўғри кел-ган ийд-Рамазон кезлари вафот этди.

Ким билсин, қазо фур-сатини фаришталар кўн-глига солган эканми, Ҳайитнинг биринчи кунни қўши-қўшиларнинг кўши-қўшига борма-бир кириб, ҳол-аҳвол сўрашиб чиқди. Эр-таси кўши-қўшиларча барча-мизми ўзи яшаётган хо-надаги дастурхон атрофида йиғди. Алавақтача у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтирди. Утганлари эсга олмади. Нонушта тугагач, одатига кўра, фотиҳага қўл оцди. Охирида, ҳар галга одди фарқли ўлароқ, «Ху-дога шўқур, ҳаммаларинг шу ердасизлар. Тани-жонларинг соғ, ақл-ҳуш-

ларинг бутун. Энди менсиз ҳам ишларингни билиб-билиб қилаверасизлар. Мен сизлардан розиман, сизлар ҳам рози бўлинглар», дея қўшимча қилди.

Шу сўзларни айтarkan, овози алланечук титраб, гавдаси беҳос қалқиб кетди. Аммо ўзини йўқотмади. Тўрға ўтиб, сиккаровотта оҳиста чўзилади. Қўл-оёқларини тўғри узатиб, ка-лима келтирди. Кўзларини юмаркан, қилага юз ўтир-ди. Бор-йўғи шу: у қайтиб қилт этмади, бошқа нафас олмади...

Биз дастлаб ҳеч нарсани тушунмадик. Бу нима-ўлимми-уйқуми, эшит-ганларимиз насиҳатми-васиятми дабурустан идрок этолмадик. Онамнинг шунчалар тез ва осон жон таслим қилганига ишонмадик, ишонолмадик. Қизиги, унинг руҳи жисмининг тарк этган бўлса-да, ранг-рўйи худди бамайхотир мизғирган одамникидек хотиржаҳам ва тиниқ эди. Юзида деразадан мўралаёт-ган қуёш акси товланарди... Йўқ, ақданми шекилли, бу биз билган-қўрган офтоб шўблоси эмасди, онамнинг чехрасидан таралаётган нур эди. У кўзларни қамашти-рар, қалбларни қиздирадир, дилларга илқилки бағишлар-ди. Тўрда онамнинг жонсиз вужуди эмас, олов-қуёш-нинг катта бир парчаси ётганга ўхшарди...

Кутилмаган мусибатдан биз қанчалик ҳайратга туш-сак, табиат ҳам шунчалик лол қотди. Уз ташвишлари ила андармон бўлиб рафлатда қолганидан, ҳокисоргина фарзандини ажал чангалга бемаврид бериб қўйганидан афсуслангандай, қаттиқ мо-

там тутди. Энг аввало, ҳаф-та-ун қундан буён еру қўкни ямлағудек ваҳожатда уввос солаётган шамол ҳушёр тор-ди. Онамнинг жони узига-ни ҳамоно саросар эсишдан тақа-тақ тўхтади. Борлиқ қўққисдан жимиб қолди. Ҳаял ўтмай самонинг ҳар ер-ҳар ерида қоп-қора булутлар пайдо бўлди. Қуёшдан изн сўраб, бир жойга тўпланди-ю, шоши-линч паства этди. Фожиадан

«Кўш устунимнинг бири» туркумидан

огоҳ тошгач, айроликча чи-дай олмади. Қилич, яшинга рўбарў келгандай, чок-чо-кидан ситилиб кетди. Но-чорликдан теракарл шоҳига кўниб, кўз ёшларини сим-сим тўкишга киришди. Шу зўл бир зумда аёз кузга алмашди. Оби раҳмат ҳам бизни эзиб, ҳам ўзи эзилиб бир маромада ёғав-ди-ёғавди... Элга ташак-кур, кўпчиликка куллуқ! Совуқ демая, лойгарчилик демая, дарвозамиздан маънос қилиб келаверди-келавер-ди. Бир кечаликка меҳ-монимиз хотираси ҳаққи хурмати сафда бош эгиб, ҳам ютиб тураверди-туравер-ди... Ёмғир кунни тунга, тунни тонга улади. Эртаси пешинга довур тинмади. Майда-майдалаб ёғишдан сира-сира

эринмади. Тобутни кўтариб йўлга чиққанимизда росма-насиға фарёд уриб, тагин-да тезлашди. Қабристонга қадам қўйишимиз биланоқ ҳовуридан тушиб, секин-лашди. Онамни тупроққа тошпираётган маҳалимиз эса, мадори батамом куриди. Қарзга олган ўрнини нои-лож асл эгасига қайтарди. Яккам-дуккам томчилар бора-бора момиқ заррача-ларга айланди. У аввалига янги мазор узра қалқиб чиққан юмшоқ тупроққа ҳайрон қараб турди. Тило-ват садолари янграган лаҳ-заларда эса оқ капалак ми-соли гоҳ паства интилиб, гоҳ юқорига кўтарилиб, осмону замин аро чарх уради. Ахийри бўлмади, тақдирга тан бер-ди-да, паға-паға бўлиб ёғишга тушди. Қўз очиб юмгунча бутун борлиқ син-гари онамнинг қарби ҳам оқ чойшаба бурқади. Гуристон ҳар қачонгидан-да оғирроқ сукутга чўмди.

Ажиб ҳолат: биз-аза-дорлар жим. Одамлар жим. Борини бору қайтиши йўқ сўнги манзила элгувчи йўл четигаги дов-дарахтлар жим. Юракни эзувчи со-қилликни фақат оёқ ости-даги қорнинг аянчли гижирлашигига бузади. Аҳён-аҳёнда ёнимда турган отамнинг ҳазин-ҳазин хўрсиниши эшитилади...

Мен одамлар тарқалган-дан кейин ҳам мазор бо-шида қолиб кетдим. Қанча ўтирдим, билмайман. Эсимда бори-шу фурсат ичиде онам билан кечган дама-ларимни, қирқ бир йиллик умримни қайтадан яшадим. Яшадим, афсус, бу сафар онамни уратмайдим, яна меҳрига тўя олмадим. У би-лан бирга бостан йўлларимни,

Китоб жавони

болалик изларим қолган далаларни, Сир соҳиллари-ни хаёлан кезиб чиқдим. Кезиб чиқдим, барибир, адоғига етолмадим. Она-нинг ҳоқи пойни юзла-римга суртиб, тавоф қилолмадим...

Мен ўзимни дунёга кел-тирган, оқ сут берган, му-дом оқ ювиб-оқ тараган волидам билан-дунёда энг азиз, энг меҳрибон кишим билан мана шундай вази-ятда абадул-абадаг видео-лашдим. Дийдор қиёматга қолди. Буни табиат ҳам англаб етди. Бир кеча-кундузга борар-бормас вақт ичиде фаслар икки бор эврилди.

Айни ҳолат онамнинг худойисиде ҳам, қирқиде ҳам, йилда ҳам тақор-ланди. Худди келишиб ол-гандек, олдинига ёмғир ёғди, ордидан қор бўрала-ди. Бу не ҳол, не сир-си-ноат-ҳануз англомайман. Балки, кўпни кўрган кек-салар ҳақ гапни айтишар-руҳи пок одамларнинг аза-сида ростданам қор-ёмғир ёғар. Балки, яхши инсон-нинг паймониаси тўлса, унга биз-тирикларданам кўра қўроқ Яратганининг ўзи ачинар.

Неча йилки, шу ҳақда ўйлайман. Ёмғир ёғи қор ёға бошласа, ўз-ўзимдан маънос тортаман. Бейхитёр, соф-бегубор, илик том-чиларга кафитимни тутаман. Улар менга ҳар доим Ал-лоҳнинг энг буюк неъмати-Раҳмат нури бўлиб туолади. Кўз ўнгимда юз-лариде қуёш ёғдуси муҳр-ланган одам, ёмғирдан иви-ган одамлар, уларнинг ел-касбиде лоҳилаб бораётган тобул ва оппоқ қор билан қопланган қабристон на-моён бўлади... **Абдунаби ҲАЙДАРОВ**



Опажон, тарвуз ширин экани?

ҲИҚМАТ - ЙҮЛ ОЗИФИ

БЕБУРД НАРСАЛАР ҲАҚИДА

Бир ҳинд донишманди айтган экан: -Куйидаги олти нарсани табиатдан бейбурд дейиш мумкин: булутнинг соясини, нодоннинг дўст-лигини, аёллар сегисини, катта бойлиқни, мустабид ҳокимни, сохта шон-шўҳратни.

ЎТАКЕТГАН ФАРОСАТСИЗ

Бир файласуфдан сўрашибди: -Кимни ўтакетган фаросатсиз киши деб би-лиш мумкин? -У жавоб бериб айтипти: -Чиройли кизга уйла-

АБУЛ ФАРАҲ

САБР-ҚАНОАТ ВА АҲЛОҚСИЗЛИК

Бир доно киши айтган экан. -Сабр-қаноат ва ах-лоқсизлик ҳатти-ҳара-катлариде эмас, шу би-лан бирга айтиладиган сўзларда ҳам намоён бў-либ туради.

СУВСИЗ СОЙ

Бир донишманддан сўра-шибди: -Эрсиз хотинни нимага ўхшатиш мумкин? -Суви қуриб қолган сойга, -деган жавоб бўлибди.

ЎХШАШЛИКЛАРИ НИМАДА

Бир файласуфдан сўра-шибди: -Овсар билан кўрнинг ўртасидеги ўхшашлик ни-мада? -Кўр одам ёруғлиқни қоронғуликдан фарқ қило-маганлиги сингари овсар одам ақл-идрок билан бе-маъниликнинг фарқига бор-майди.

РАМЗИЙ ОЧЛИК

Бир бадавлат одамдан сўрашибди: -Ҳамма нарсанигиз мўл-қўл бўлишига қара-май, нима учун чалақур-соқ бўлиб юрасиз? -Муҳтожлик сабаби-дан очликда юрадиганларни эслаб туриш учун, -деб жавоб қилибди у.

ШАРАФИДДИН КҮНЧИ ТАРЖИМИСИ

ФАЛАБА КУТАМИЗ

Яна 8 кундан кейин миллий термина жамоамиз Тошкентда ЖЧ-2006 саралашнинг «плей-офф» даги асосий рақибни Баҳраин термасига қарши ўтказди. Ушбу мастула-ятли учрашувга Боб Хо-уттон шогирдлари тай-ёргарлик кўришни 1 ок-тябрдан бошлашади. Ра-қибларимиз эса йилги-ларга 28 сентябр кундан бошлаб астойдил кир-ишиди.

Хабарингиз бор, Ўз-бекистон-Баҳраин ўр-тасидеги ўйин ФИФАнинг кутилмаган қарорига кўра қайта бўлиб ўтмоқда. Биринчи учрашувда япон ҳакамнинг жаҳон фут-болида учрамаган тушу-нарси қарори тўғрйли вакилларимизнинг 1:0 ҳи-собидаги галабаси бекор қилинганди. Шундан кейин Ўзбекистон Футбол Фе-дерацияси ФИФАга апел-ляция бериб, ўинида биз-нинг фойдамизга 3:0 ҳи-собидаги галаба ва жавоб ўйинига европалик ҳа-камларни тайинлашнинг сўради. Лекин ФИФА

оз муддат қолмоқда. Шу боис хорияда ўйнаётган легионерларимиз тезроқ йиғиналрга қўшилиши ва жисмоний ҳолатларини тик-лашлари зарур бўлади. Шу



ўинида ҳақли бир савол ту-ғилади. Футболчиларимиз-нинг ҳозирги спорт формаси қандай ҳолатда? Натияси бекор қилинган ўйиндан кейин ўзбек мутахассисла-рини ўйнаётган би-ринчи масала ҳам айнан шу

Футбол

эди. Чунки, бир ой давомида маҳаллий ва легионер ўй-инчилар ўз чемпионатлари-нинг бир қатор муҳим уч-рашувларда майдонга чи-қишларига тўғри келарди. «Ушбу ўйинларда улар қай даражада тўп суришади? Тошкентга жароҳатсиз етиб келишадими?» деган савол-лар бисёр эди.

Терма жамоа ўзагини ташкил этадиган мамлака-тимизнинг бош жамоаси «Пахтакор» ўтган ҳафтада чемпионатнинг пешқадами «Насафга» қарши майдонга чиқиб, қийинчиликсиз галаба қозонди. Ушбу ўйинда тер-ма жамоанинг асосий ўйин-чилари яхши ўйин кўрса-тишти. Бугун улар Беко-бодда «Металлург» жамоаси меҳмони бўлади. Ушбу ўй-инда уларга мураббийлар томонидан ортиқча кураш-ларга киришмасликлари та-лаб этилади. «Машғал» тар-

кибида ўзининг иккинчи ёшлигини ўтказётган футболчимиз «Юлдузи» Миржалол Қосимов Баҳ-раинга қарши ўйинга тайёр эканини «Металлург»га икки гол уриб исботлади. Легионер футболчи-ларимиздан бир нечтаси жамоасида ўзини кўрса-тишти, уларнинг ҳам бў-лажақ ўйинга шай ҳо-латда эканини билди-рмоқда. Хусусан, ҳужум-чиларимиз Максим Ша-цких Украина сўнги ту-рида икки голга муал-лифлик қилган бўлса, Гейрихнинг савй-ҳа-ракатлари тўғрйли «Торпедо» Россия чем-пионати пешқадами «Ло-комотив» устидан чи-ройли галабага эришишига замин яратди. Миллий тер-ма жамоамизнинг биринчи дарвозабони Евгений Са-фоновнинг маҳорати «Шинник»нинг Санкт-Петербург шаҳридан бир очко билан қайтишига са-баб бўлди. Шунингдек, Андрей Фёдоров «Рубин» таркибиде, Владимир Рад-кевич жамоасида тўлиқ 90 дақиқа ҳаракат қилди.


Жаҳон чемпионатига чиқиб ҳар бир давлатнинг орусиз ҳисобланади. Фут-болчиларимиз Баҳрайдан кучли эканликларини ҳам-мага кўрсатиб қўйишди. Лекин кимларгадир бу нарс

АСКАР АКАЕВГА ЖИНОЯТ ИШИ ҚўЗГАТИЛИШИ МУМКИН

Қирғизистон бosh про-куратураси мамлакатнинг собиқ президенти Аскар

ЖАНОБ БУШНИНГ ҲАЯЖОНЛАРИ

АҚШ президенти Жорж Буш яна ичинини бошлаб юборди. Минданг зийёд америкаликлар ҳаётига зо-мин бўлган «Катерина» тўфонидан кейин давлат раҳбарига нисбатан таъна-маломатлар ёғилиб кетди.



Жорж Буш қирқ ёшга тўлганидан сўнг спиртлик ичимликлар ичмай қўй-ганди. У тўфон айни ав-фижа чиққан паллада Техас штатидеги ранчосяида ич-маслик ҳақидаги аҳдини бузди.

АСКАР АКАЕВГА ЖИНОЯТ ИШИ ҚўЗГАТИЛИШИ МУМКИН

Қирғизистон бosh про-куратураси мамлакатнинг собиқ президенти Аскар

Акаевга нисбатан жиноят иши қўзғатишни мўлжаллаб турибди. Уни даҳасизлик



ваколатидан маҳрум этишни сўраб, шу йилнинг октяб-рида парламента мурожаат этмоқчи. Мамлакат бош прокурори Азимбек Бекна-заров чет эл радиостанция-ларидан бирига берган ин-тerviюсяида бу ҳақда маълум қилди.

Бундан ташқари, Акаев-нинг кўвини Оди Тоғробо-ева нисбатан қўзғатилган жинойий иш шу кунларда яқунланади. «Минск кон-венция»сига мувофиқ у Қозғистон ҳуқуқ-тарти-бот идораларни ихтиёрига ўтказилди ва Қозғистонда суд қилинади.

Собиқ бош вазир Нико-лай Танаев ҳам ўз вакола-тини суиестеъмол қилган-лиқда, давлат бюджетидан қурлиши фирмаларга пул ўтказганлиқда айбланаётир. Пенсия ва нафақа тўловлари учун мўлжалланган 3 мил-лион сом (40 сом тахминан 1 доллар)лик маблағ бошқа мақсадлар учун сарфланган. Шу билан бирга бюджет

ЭПАК ЭЪЗОДА

Американинг экспеди-цион корпуси ўз техни-каси билан Афғонистон-нинг тоғли туманларига боришда муаммоларга дуч келаётир. Эгри-бугри, қиялик йўллاردан ҳатто махсус транспортларда юриш ҳам мушкул. Шун-нинг учун мудофаа вази-ринг армиянинг ҳаракат-даги қисмларини эшаклар билан таъминлаш бўйича қарор қабул қилди. Сабр-қаноатли жонивор ҳисоб-ланиш эшаклар 20-30 километрни масофага 100-120 килограмм юкни бе-малол таший олади. Дори-дармон, ўқ-дориаларни етказиб бериш, касаллар, ярадорларни эвакуация қилишда эшаклар қўл ке-лаётир.

Интернет ва хориз матбуот хабарлари асосида Гавхар ДИЛМУРДОВА тайёрлади.

«ПУЛНИ ҚАЙТАРИБ БЕР, НОМАРД!»

Россия олий ўқув юрт-ларида бирида таҳсил олаётган қиз Ялтада дам олаётиб, кредит картча-касини қайтиб беришни истамган банкоматини бир уриб синдириб қўйди.

Қиз ҳақиқатан уч марта махсус код қадамни тер-ганди. Аммо ҳар сафар ҳаракатлари бекор кета-верди. Банкомат на-пул берди, на кар-точкани қай-масди. У ўз кар-точкасини қайтариб олишни истарди, хо-лос... Мушт зарбидан банкомат шўрликнинг винталарига ча-сочилиб кетди. Энди ҳа-қиқатан ишдан чиқди.

Зудлик билан етиб кел-ган полиция ходимлари қизни минг АҚШ долларини миқдорда жаримага тор-тишти.

Қаранг, маълум бўли-шича, қиз илгари бокс билан шуғулланиб, бир неча йигитларнинг адабини берган экан. Нимаям дей-миз? Спорт ҳам ҳар са-фар одамга дўст бўлавер-мас экан.

АЖАБОВУР КОЛЛЕКЦИЯ

Литвалик Алфонс Эрзерт исман эркакнинг болалигидан давом этиб келаётган бир одати ҳам-манинг этибборини ўзига қаратиб келди. У эски пайпоқ тўлаш билан шу-ғулланади. Қозиргача Ал-фонсинг тўпаларга пай-поқлари минг хиздан олиб кетган. Ҳаммаси кўча-қўйдан топишган, қарин-дошларидан олинган пай-поқлардир.

Тўғри, аввалига оила-сидеги эски пайпоқларни йиғди. Аммо вақт ўтган

МЭРНИ ЧУВ ТУШИРИШДИ

Прага мэри Павеа Бэм ўзини чет элик саяҳатчи қилиб кўрсатиб қўчага чиқди ва таксичиларнинг пулли ўлжасига айланади. Гап шундаки,

Чехия поятхатида такси-чилар учун ажойиб бир анъана бор. Улар баваслат бир жанобни қўришлари билан босиб ўтилган ки-лометрда кўрсаткича уланган махсус куримани ёқиб қўйишади. Натижада бу қўрилма 10 марта кўп айлана бошлади.

Мэр биринчи таксига ўтириб, 3 километр юриш-гандан кейин қўрилмага қараса, у 6 марта кўп кўр-сатаяпти. Табиийки, бун-дан норози бўлган «сэйб» ҳайдовчидан чек талаб қила бошлади. Лекин айёр ҳай-довчи унга шаҳарда мав-жуд бўлмаган фирманинг сохта қиванциясини кўр-сатди.

Иккинчи таксичи эса қуримани ёқиб ўтирмади, аммо у белгиланган нарх-дан 3 марта кўп пул ун-дирмоқчи бўлди. Таксичи-ларнинг бу қилиқларидан мэринг фиғонини фалакка отиладди. Дарҳол уларга миллион крон жарима солди ва ҳайдовчилик ли-цензиясидан маҳрум қилди. Шундан кейин ўз қарор-гоҳига йўл олган Павеа Бэм ўтириб, таксичиларнинг айбонлиқларига қарши қарор чиқарди.

С.ШОШИЙ ТАЙЁРЛАДИ.

Milliy tiklanish

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАҒУРОВ
Бош директор: Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Бюроими: Г - 827. Ҳажми 2 босма табоқ. Аяди 1502. Сотуяда аркан нарҳда

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Қаландар АБУРАҲМОМОВ, Хуршид ДУСТМУҲАММАД, Раъно ЗАРИПОВА, Хайринисо МИРЗАЖОНОВА, Шарифа САЛИМОВА, Абдунаби СИДДИҚОВ, Жайнат ТОШМАТОВА, Олим ЎСАРОВ, Мунира ҚОРИЕВА

Газета ИВМ компьютерида тарқиди ва озвониланди. Соҳиёфаловчи: Расул ИСМАИЛОВ